

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МУХИТДИНОВ БАХТИЁР ИКРОМОВИЧ**

**ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДА САРАТОНГА ҚАРШИ  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪСИРГА ЭГА МАКРОМОЛЕКУЛЯР  
ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИКЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2023**

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on chemical sciences**

**Мухитдинов Бахтиёр Икромович**

Полисахаридлар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга  
макромолекуляр тизимлар ва уларнинг биологик фаолликлари..... 5

**Мухитдинов Бахтиёр Икромович**

Макромолекулярные системы на основе полисахаридов с направленным  
противоопухолевым действием и их биологическая активность..... 29

**Мухитдинов Бахтиёр Икромович**

Polysaccharide-based macromolecular systems with targeted anticancer effects and  
their biological activities..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МУХИТДИНОВ БАХТИЁР ИКРОМОВИЧ**

**ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДА САРАТОНГА ҚАРШИ  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪСИРГА ЭГА МАКРОМОЛЕКУЛЯР  
ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИКЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2023**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/K130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Тураев Аббасхан Сабирханович  
кимё фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** Гафуров Махмуджон Бакиевич  
кимё фанлари доктори, профессор

Рамазонов Нурмурад Шералиевич  
кимё фанлари доктори, профессор

Хашимова Зайнат Саттаровна  
биология фанлари доктори, етакчи илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот  
институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «11» май соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (71) 262-35-40, факс: (71) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (246 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (71) 262-35-40, факс: (71) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2023 йил «27» апрель да таркатилди.  
(2023 йил 28 апрель даги 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н. Салихов

Илмий даражалар берувчи  
илмий котиби раиси, б.ф.д., академик

Н.Р. Хашимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби б.ф.д.

М.Б. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қўшмадаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда онкологик касалликларни даволашда организмга ножўя таъсири кам бўлган, пролонгацияланган, юқори самарали таъсирга эга дори воситаларини яратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда кимё, биология, фармацевтика соҳаларининг ривожланиши натижасида саратон касалликларига қарши қўлланилувчи, йўналтирилган таъсирга эга, организмга ножўя таъсири кам бўлган, узоқ ва самарали таъсир кўрсатувчи янги ае дори воситаларни яратиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда, дунёда саратон касалликлари терапиясида қўлланилувчи янги, самарали дори воситаларини яратишда молекуляр конструкциялаш усулларидан фойдаланиш кимётерапевтик дори воситаларининг терапевтик хоссаларини яхшилаш, уларнинг организмга ножўя таъсирини камайтириш, таъсир давомийлигини узайтириш ҳамда мазкур дори воситаларни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ҳаражатларни камайтиришга олиб келмоқда. Шу сабабли молекуляр конструкциялаш усуллари орқали терапевтик макромолекуляр тизимлар яратишда табиий полимерлар (полисахаридлар, полипептидлар ва бошқалар) асосида бошқариладиган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятли полимер ташувчилар олиш, дори воситаларини полимер ташувчилар билан конъюгациялаш усуллари ишлаб чиқиш, терапевтик макромолекуляр тизимларнинг таъсир механизмларини аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш каби йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги, самарали, импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга ва аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда илмий ҳажмдор тадқиқотлар олиб бориш ва маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг<sup>1</sup> 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони 2-иловасида “саратон ва аутоиммун касалликларини даволаш учун моноклонал антитаначаларга асосланган юқори технологияли дори препаратларини яратиш” бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу борада макромолекуляр табиатли биологик фаол моддаларни дори препаратлари билан модификацияланган ҳосилаларини ўрганиш, уларнинг тузилиши ва фармакологик фаоллигини аниқлаш ва улар асосида самарали, оригинал препаратлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229 сонли «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532 сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805 сонли «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифати ва фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар олиш, биологик ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, улар асосида саратон касалликларини олдини олиш, даволаш, ташхислаш учун дори воситалари, вакциналар ҳамда диагностика воситаларини яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Università di Torino (Италия), Gangneung-Wonju National University (Корея), Biothera Pharmaceuticals Inc (АҚШ), Center for Materials Forming (Франция), Shanghai Institute of Materia Medica (Хитой), Institute for Organic Chemistry and Macromolecular Chemistry (Германия), University of Aveiro (Португалия), Биоорганик кимё институти (Россия) каби етакчи илмий марказларида олиб борилмоқда.

Полисахаридлар асосидаги макромолекуляр тизимлар олиш, уларнинг саратонга қарши биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: саратонга қарши йўналтирилган биологик фаоллик кўрсатувчи маннан сульфат-фторурацил-фолат кислота конъюгатлари олинган (Gangneung-Wonju National University, Корея), саратон ҳужайралари ривожланишини ингибирлаш хусусиятига эга бўлган циклодекстрин-оксиресвератрол комплексини олиш усули ишлаб чиқилган (Università di Torino, Италия), фукоидан сульфат ҳосилаларининг саратонга қарши биологик фаолликларида сульфат гуруҳларининг углерод

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.sciencedirect.com/>, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/>, <https://scholar.google.com/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

атомларидаги жойлашиш тартиби муҳим ўрин тутиши аниқланган (Биоорганик кимё институти, Россия), цитотоксик бирикмаларни саратон хужайраларига мақсадли етказиб бериш учун целлюлоза-пектин аэрогеллари ишлаб чиқилган (Center for Materials Forming, Франция), ксилан олигосахаридларни олиниш усуллари ишлаб чиқилган (University of Aveiro, Португалия), цитотоксик бирикмаларни саратон хужайраларига мақсадли етказиб бериш учун полисахаридлар асосидаги биоматериаллар олинган (Shanghai Institute of Materia Medica, Хитой).

Дунёда полисахаридлар асосидаги саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан лиганд полисахаридларни аниқлаш, лиганд полисахаридларнинг цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилаларини олиш, полисахаридлар асосида цитотоксик бирикмаларни саратон хужайраларига мақсадли етказиб бериш тизимларини ишлаб чиқиш, уларнинг саратонга қарши биологик фаолликлари ва терапевтик самарадорликларини баҳолаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полисахаридлар ва уларнинг цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилалари асосида макромолекуляр тизимлар олиш, уларнинг саратонга қарши ва фармако-токсикологик фаоллигини ўрганиш бўйича хорижлик олимлар томонидан қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, E.N. Olsufyeva ва унинг ҳамкасблари томонидан галактозилланган доксорубицин ҳосилаларининг эркин доксорубицинга нисбатан кам захарли бўлиши аниқлаган. E.J. Oh ва унинг ҳамкасблари томонидан гиалуронанларни карбоксил гуруҳларини модификациялаш усуллари тадқиқ қилинган. M.C. Miller томонидан олиб борилган тадқиқотларда галактоманнан полисахаридларининг тузилиши, улар галактозилланган моно-/дисахаридларга нисбатан саратон хужайралари галектинлари билан селектив боғланиши аниқланган. S. Banerji ва унинг ҳамкасблари томонидан гиалурон кислота октамери ва CD44 рецептори билан икки хил тартибда боғланиши ва бунда асосан гиалуронан занжиридаги 5-8 моносахарид қолдиқлари иштирок этиши кўрсатилган. A.N. Tevyashova томонидан олиб борилган изланишларда доксорубицин билан модификацияланган галактоманнан ҳосилалари олиниш усуллари ва олинган ҳосилалар саратон хужайраларини ингибирлаши келтирилган. M. Takeda ва унинг ҳамкасблари томонидан гиалурон кислота-CD44 кристалларида полисахарид занжири конформацияси минимал энергия ҳолатида бўлиши аниқланган. D. Coradini ва унинг ҳамкасблари томонидан гиалурон кислотани бутан кислота ангидриди билан кимёвий модификациялаш орқали гиалурон кислотанинг бутират эфирлари олинган ва у саратон хужайралари ўсишини натрий бутиратга нисбатан самаралироқ ингибирлаши аниқланган. X. Fan ва унинг ҳамкасблари томонидан олиб борилган тадқиқотларда гиалурон кислотани цисплатин билан полимер комплекси синтез қилинган ва ундан таркибида цисплатин тутган нанокомплекс олинган. S. Cai ва унинг ҳамкасблари томонидан гиалурон кислота макромолекуласини доксорубицин

билан боғловчилар орқали модификациялаш усули ишлаб чиқилган. А.А. Klyosov, E. Zomer ва D. Platt томонидан 5-фторурацил/галактоманнан механик аралашмаси 5-фторурацилга нисбатан ичак саратонига қарши юқори фаоллик кўрсатиши ва кам захарлилик намоён қилиши аниқланган.

Мамлакатимизда табиий биополимерлар ва кичик молекуляр бирикмалар, уларнинг биологик фаол ҳосилаларини олиш, тузилишини ўрганиш ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш ҳамда турли касалликларга қарши янги дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё технология институтларида, академик Ш.И. Салихов, академик, С.Ш. Рашидова, академик А.С. Тураев, профессор Ш.Ш. Сағдуллаев, профессор Ш.С. Азимова профессор. А.А. Саримсаков, профессор Г.Р. Раҳманбердиев ва бошқа етакчи олимлар раҳбарлигида олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф6-Т097 «Нишон-органлар учун янги доривор воситалар олиш мақсадида модификацияланган полисахаридлар синтези ва уларнинг биологик функциялари» (2012-2016 й.й.) ва ГА-ФА-Ф6-003 «Ракка қарши йуналтирилган таъсирли препаратлар яратиш мақсадида бета глюкоанлар, галактоманнанлар ва уларнинг модификацияланган аналогларининг хужайра лектинлари билан комплементар ўзаро таъсирлашувларини ўрганиш» (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик молекуляр массали полигалактуронанлар, гиалурунанлар ва галактоманнанларнинг цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилаларини олишнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини аниқлаш, улар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар олиш, биологик фаолликлари ҳамда фармоко-токсикологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик молекуляр массали полисахаридлар ва уларнинг реакцион фаол, сульфатланган, тозилланган, диальдегид ҳосилаларини олиш, уларнинг молекуляр катталиклари ва структураларини аниқлаш;

полигалактуронан, гиалурунан ва галактоманнанларнинг цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилаларини олиш, мақбул реакция шароитлари, физик-кимёвий ва структуравий катталикларини аниқлаш;

таркибида цитотоксик бирикмалар тутган, конформациялари турлича бўлган полисахарид занжирлари цитотоксик бирикмалар билан турли кимёвий боғлар орқали боғланган макромолекуляр тизимлар олиш;

кичик молекуляр массали полисахаридлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг *in vitro* ва *in vivo* шароитлардаги саратонга қарши биологик фаолликларини баҳолаш;

кичик молекуляр массали полисахаридлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг саратонга қарши фаолликларини кимёвий структураларига боғлиқлиги, биологик фаоллик механизмлари ва асосий фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш;

цитотоксик бирикмаларнинг организмга салбий ва заҳарли ножўй таъсирларини камайтиришда полисахаридларни улар билан модификациялаш тамойилларини аниқлаш.

тадқиқ қилинган кичик молекуляр массали полисахаридлар ва цитотоксик бирикмалар асосидаги макромолекуляр тизимлар орасидан саратонга қарши энг самарали таъсирга эга, истиқболли номзодни аниқлаш ва унинг клиник олди синовларини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида полигалактурон кислота, гиалурон кислота ва галактоманнанларнинг саратон хужайралари юзасидаги рецепторларга комплементар бўлган гетеро поли- ва олигосахаридлари, уларнинг реакцион фаол сульфат, тозил, диальдегид ҳосилалари, цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилалари, макромолекула занжирида доксорубицин, гемцитабин, 5-фторурацил цитотоксик препаратлари тутган макромолекуляр тизимлар, уларнинг саратонга қарши фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кичик молекуляр массали полигалактуронанлар, гиалуронанлар ва галактоманнанларнинг олиниши, уларнинг реакцион фаол сульфат, диальдегид, тозил ҳосилалари, цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилаларини синтез усуллари ишлаб чиқиш ва макромолекула занжири бўйлаб доксорубицин, гемцитабин, 5-фторурацил каби цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар олиш ва структураларини аниқлаш, уларнинг саратонга қарши фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, структура-хосса ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида биоорганик кимё усуллари (полисахаридларни деполимерлаш, кимёвий модификациялаш, конъюгациялаш, тозалаш), бирикмаларнинг кимёвий структураларини аниқлаш (УБ-, ИҚ-, ЯМР-спектроскопия, гель хроматография, элемент анализ), онкология, фармакология, цитология ва гистологиянинг замонавий тадқиқ қилиш усуллари қўллаган ҳолда саратонга қарши биологик фаолликларни *in vitro* ва *in vivo* шароитларида аниқлаш ҳамда фармако-токсикологик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: полисахарид асосли макромолекуляр тизимлар синтези учун саратон оқсиллари билан боғланувчи кичик молекуляр массали лиганд матрицалар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

тармоқланган полисахаридлар асосий занжирини селектив деполимерлаш йўли билан кичик молекуляр массали гетерополисахаридлар ва уларнинг олигомерларини олиш имкониятлари аниқланган;

кичик молекуляр массали гиалуронанлар ва галактоманнанларнинг реакцион фаол сульфатланган, тозилланган, диальдегид ҳосилалари олинган ва мақбул реакция шароитлари аниқланган;

кичик молекуляр массали гетерополисахаридларнинг доксорубицин, гемцитабин, фторурацил, фолат кислота билан амин, амид, азометин, эфир боғлари билан боғланган ҳосилалари олинган;

полисахаридларни цитотоксик бирикмалар билан турли функционал гуруҳлари орқали модификациялаш усуллари кўрсатилган ва бунда цитотоксик бирикмаларнинг реакцион фаолликлари аниқланган;

полисахаридлар ва цитотоксик бирикмалар асосидаги саратонга қарши макромолекуляр тизимларнинг структуралари ва биологик фаолликлари орасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган;

цитотоксик бирикмаларни полисахарид занжирларига киритиш орқали уларнинг биологик ва фармако-токсикологик хусусиятларини яхшилаш ҳамда мақсадли етказиб бериш имкониятлари аниқланган;

лиганд полисахаридлар ва цитотоксик бирикмалар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга дори воситалари олишнинг фундаментал асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

полисахаридлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун саратон оқсиллари билан боғланувчи кичик молекуляр массали полигалактуронан, гиалуронан ва галактоманнанлар олинган;

тармоқланган полисахаридлар асосий занжирини селектив деполимерлаш орқали кичик молекуляр массали гетерополисахаридлар ва уларнинг олигомер шакллари олиш усули ишлаб чиқилган;

кичик молекуляр массали гиалуронанлар ва галактоманнанларнинг реакцион фаол, сульфатланган, тозилланган, диальдегид ҳосилалари олишда гомоген синтез усуллари ишлаб чиқилган;

полисахаридлар ва уларнинг реакцион фаол ҳосилаларини цитотоксик бирикмалар билан турли функционал гуруҳлари орқали, турли боғ ҳосил қилиш йўли билан модификациялаш усуллари кўрсатиб берилган;

гетерополисахаридлар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар олинган ва бу цитотоксик бирикмаларни организмга ноҳўя таъсирларини камайтириш имконини берган;

саратонга қарши янги авлод дори воситаларини ишлаб чиқишда лиганд полисахаридлардан фойдаланган ҳолда цитотоксик бирикмаларни мақсадли етказиб бериш истиқболлари очиқ берилган;

полисахарид ҳосилалари орасидан саратонга қарши энг самарали намуналари аниқланган ва улар саратонга қарши оригинал дори воситалари яратиш учун таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий кимё, биология ва биоорганик кимё усуллари кўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Натижалар замонавий аналитик ва статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Бунинг тасдиғи сифатида мутахассислар томонидан эксперт хулосалари, ҳамда республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокамадан

ўтганлиги, тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги ва ЎзР патентлари олингани хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полисахаридлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун саратон оксиллари билан боғланувчи лиганд матрицалар олиш усули, тармоқланган полисахаридлар асосий занжирини селектив деполимерлаш орқали кичик молекуляр массали гетерополисахаридлар ва уларнинг олигомер шакллари олиш усули, кичик молекуляр массали гиалуронанлар ва галактоманнанларнинг реакцион фаол, сульфатланган, тозилланган, диальдегид ҳосилаларини гомоген синтез усуллари, полисахаридлар ва уларнинг реакцион фаол ҳосилаларини цитотоксик бирикмалар билан турли функционал гуруҳлари орқали, турли боғ ҳосил қилиш йўли билан модификациялаш усуллари ишлаб чиқилганлиги, гетерополисахаридлар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар олинганлиги ва уларнинг самарали биологик фаолликлари исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган полисахаридларни модификациялаш усуллари лиганд векторлар, самарали синтезлар учун реакцион фаол ҳосилалар, саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга биологик фаол полисахарид ҳосилалари олишда, дори воситаларини мақсадли етказиб бериш тизимларини ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқ қилинган полисахарид ҳосилалари орасидан саратонга қарши энг самарали намуналари аниқланган ва улар саратонга қарши оригинал дори воситалари яратиш имконини беради. Таклиф қилинган усуллар ва олинган макромолекуляр тизимлар полисахаридлар асосида саратонга қарши янги авлод дори воситалари олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полисахаридлар асосида саратонга қарши йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар ва уларнинг биологик фаолликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олигогалактурон ва фолат кислоталари ҳамда доксорубицин асосида ўсмаларга қарши фаолликка эга биоконъюгат учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 06618, 2021). Натижада саратон касалликларига қарши самарали, йўналтирилган таъсирга эга дори воситасини яратиш имконини берган;

узоқ таъсирга эга бўлган ўсма касаллигига қарши комбинацияланган восита учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 06825, 2022). Натижада саратон касалликларига қарши самарали бўлган, узоқ таъсирга эга дори воситасини олиш имконини берган;

полисахаридлар, уларнинг биологик фаол ҳосилалари ва саратонга қарши макромолекуляр тизимларни тадқиқ қилиш бўйича эълон қилинган илмий натижаларга юқори импакт-факторга эга 10 дан ортиқ хорижий илмий журналларда ҳаволалар келтирилган: (Advanced Science, 2023, 2206169(1-27), IF=17.521; Acta Pharmaceutica Sinica B, 2022, 12(12), 4327-4347, IF=14.903;

Nano Letters, 2022, 22(16), 6516-6522, IF=12.262; Journal of Controlled Release, 2023, 353, 650-662, IF=11.467; Carbohydrate Polymers, 2021, 254, 117437, IF=10.723, International Journal of Biological Macromolecules, 2021, 183, 2326-2336, IF=8.025, Materials Today Sustainability, 2023, 21, 100293, IF=7.244; Cellulose, 2021, 28(5), 2849-2861, IF=4.6123, Polymer, 2021, 220, 123563, IF=4.432 ва бошқалар). Натижада, полисахарид ҳосилалари ва макромолекуляр тизимларнинг молекуляр катталиклари ва биологик фаолликларини аниқлаш имконини берган;

полисахаридларни цитотоксик бирикмалар билан модификациялаш усуллари, олинган макромолекуляр тизимлардан Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институтининг «International Science and Technology Center Projects» лойиҳасида полисахарид ҳосилалари олиш ва уларнинг саратонга қарши биологик фаолликларини аниқлашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институти маълумотномаси 02.03.2023 й.). Натижада, саратонга қарши биологик фаол полисахарид ҳосилаларини олиш ва уларнинг фаоллик механизмларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 42 та, жумладан 24 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 73 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 3 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 268 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Полисахаридлар ва улар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар, уларнинг биологик фаолликлари бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, полисахаридлар, уларнинг манбалари, тузилиши ва

хоссалари, полисахаридларнинг организмдаги биологик функциялари, ҳужайра лектинлари, галектинлар, гиаладгеринлар, уларнинг биологик функциялари ва полисахарид лигандлари, саратон касаллиги ва унга қарши қўлланилувчи цитотоксик препаратлар, полисахаридларнинг саратонга қарши бирикмалар билан модификацияланган ҳосилалари бўйича сўнгги йиллардаги тадқиқот натижалари келтирилган.


Диссертациянинг **«Полисахаридлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар синтези, уларни физик-кимёвий ва биологик тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, кичик молекуляр массали полисахаридларни олиниш усуллари, кичик молекуляр массали полисахаридларнинг реакцион фаол ҳосилалари синтези, полигалактуронанлар, гиалуронанлар ва галактоманнанлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар синтези, уларнинг молекуляр катталиклари ва структураларини тадқиқ қилиш, саратонга қарши биологик фаолликлари ҳамда фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Полисахаридлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари»** деб номланган учинчи бобида кичик молекуляр массали полисахаридлар олиш, полисахаридларнинг реакцион фаол ҳосилаларини олиш, полигалактуронанлар, гиалуронанлар ва галактоманнанлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш, уларнинг структуралари, молекуляр катталиклари ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги, сувда осон эрувчан ва саратон ҳужайралари лектинлари билан таъсирлашувчи структурага эга бўлган кичик молекуляр массали поли-/олигосахарид матрицаларини тайёрлаш бўйича изланишлар олиб борилди. Тадқиқотларда потенциал лиганд полисахаридлар ҳисобланган полигалактурон кислота, галактоманнан ва гиалурон кислотани кислотали ҳамда радикал деполимерлаш усуллари ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотларда полисахарид ҳосилаларининг молекуляр структуралари ва саратонга қарши биологик фаоллик орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш учун зарур бўлган намуналар тайёрланган.

Полисахаридларни кислотали деполимерлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда полигалактурон кислота (ПД=835,  $M_w=165,4$  кДа, GalA/Gal=7,92), галактоманнан (ПД=1160,  $M_w=563,8$  кДа, ПДИ=2,78, Man/Gal=1,89) ҳамда гиалурон кислотани (ПД=725,  $M_w=290,6$  кДа, ПДИ=3,10, GlcA/GlcNAc=1,07) хлорид кислота иштирокидаги кислотали деполимерлаш реакциялари (HCl 0,05-1,0 моль/л, вақт 10-240 минут, ҳарорат 80°C) натижасида турли молекуляр катталиқдаги полигалактуронан (ПД=8-771,  $M_w=1,6-152,6$  кДа, ПДИ=1,28-3,09, GalA/Gal=7,92-32,6, унум 11,5-96,1%) галактоманнан (ПД=5-1039,  $M_w=2,6-505,1$  кДа, ПДИ=1,25-3,39, Man/Gal=1,89-3,19, унум 2,8-97,1%) ва гиалуронан (ПД=7-674,  $M_w=2,8-270,2$  кДа, ПДИ=1,55-3,63, GlcA/GlcNAc=1,03-1,11, унум 21,7-97,1%) намуналари


олинган. Саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги полигалактуронан, галактоманнан ва гиалуронан намуналарини олишнинг мақбул шароитлари (HCl полигалактурон кислота учун 0,2 моль/л, HCl галактоманнан/гиалурон кислота учун 0,1 моль/л, вақт 180-240 минут, ҳарорат 80°C) аниқланди. Бироқ, ушбу реакцияда полигалактурон кислота ва галактоманнан занжиридаги галактоза қолдиқлари миқдори камайиши кузатилди (1(а,б)-расм). Шунинг учун кейинги тадқиқотларда полигалактурон кислота ва галактоманнанни радикал деполимерлаш реакциялари ўрганилди.



**1-расм. Полигалактурон кислота (а) ва галактоманнанни (б) хлорид кислота иштирокидаги деполимерланиш реакциялари давомида полисахаридларнинг моносахарид нисбатларидаги ўзгаришлар (HCl 0,05-1,0 моль/л, 80°C)**

Полисахаридларни радикал деполимерлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда полигалактурон кислота (ПД=835,  $M_w=165,4$  кДа, ПДИ=2,32, GalA/Gal=7,92) ва галактоманнанни (ПД=1160,  $M_w=563,8$  кДа, ПДИ=2,78, Man/Gal=1,89) водород пероксид билан Cu (II) ионлари иштирокидаги радикал деполимерланиш ( $H_2O_2$  1,0-9,0%, вақт 10-60 минут, ҳарорат 60°C) реакциялари натижасида турли молекуляр катталиқдаги полигалактурон кислота (ПД=9-452,  $M_w=1,8-89,4$  кДа, ПДИ=1,03-2,08, GalA/Gal=5,46-7,87, унум 5,3-91,4%) ва галактоманнан (ПД=7-159,  $M_w=3,3-77,1$  кДа, ПДИ=1,05-2,11, Man/Gal=1,70-1,89, унум 13,2-83,4%) ва намуналари олинган. Саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги галактоманнан ва полигалактуронан намуналари олишнинг мақбул шароитлари (галактоманнан учун  $H_2O_2$  4,5%, вақт 50-60 минут, ҳарорат 60°C, полигалактурон кислота учун  $H_2O_2$  3,0%, вақт 30-40 минут, ҳарорат 60°C) аниқланди. Тадқиқ қилинган радикал деполимерланиш реакцияларида полигалактурон кислота ва галактоманнан занжирларидаги галактоза қолдиқлари миқдори ортиб бориши кузатилди (2(а,б)-расм). Бу эса реакцияда полигалактурон кислота ва галактоманнанларнинг асосий полигалактоуронан ( $\alpha$ -(GalAC1-O-C4GalA)) ва полиманнан ( $\beta$ -(ManC1-O-C4Man)) занжирлари


тармоқланган занжирларига (полигалактуронанда  $\beta$ -(GalC1-O-C4Gal), галактоманнанда  $\alpha$ -(ManC6-O-C1Gal)) нисбатан селектив парчаланиши натижасида олинган маҳсулот таркибида галактоза қолдиқлари сақланишидан далолат беради. Ушбу натижалар саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги галактоманнан ва полигалактуронан олигосахаридларини тайёрлашда радикал деполимерланиш реакцияларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатади.



**2-расм. Полигалактурон кислота (а) ва галактоманнани (б) водород пероксид билан Cu (II) ионлари иштирокидаги радикал деполимерланиш реакцияси давомида полисахаридларинг моносахарид нисбатларидаги ўзгаришлар (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> 1,0-9,0%, 60°C, Cu(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub> 0,32 мг/мл)**

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида кичик молекуляр массали гиалурон кислотанинг сульфат ҳосилалари, галактоманнанинг тозил ва диальдегид ҳосилалари синтези бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва улар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун намуналар тайёрланди.

Кичик молекуляр массали гиалурон кислотани сульфатланган ҳосилаларини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали гиалуронани (ПД=48, Mw=19,3 кДа) SO<sub>3</sub>/Py/Py системасида сульфатлаш (SO<sub>3</sub>/Py 1,0-12,0 моль/моль ГКБ, вақт 1-12 соат, ҳарорат 40-90°C) орқали турли молекуляр катталиқдаги гиалуронан сульфат (Mw=29,7-7,1 кДа, ПД=48-12, АД=2,66-0,22, унум 78,17-13,91%) ҳосилалари олинган. Саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги гиалуронан сульфат намуналари олишнинг мақбул шароитлари (SO<sub>3</sub>/Py 6,0 моль/моль ГКБ, вақт 4 соат, ҳарорат 80°C) аниқланди (3(а,б)-расм). Спектроскопик тадқиқот натижалари сульфатлаш реакциялари орқали олинган намуналар структура жиҳатдан гиалуронан сульфатларга мос келишини ва бунда углерод атомларининг сульфатланиш фаоллиги GlcNAcC6 > GlcNAcC4 > GlcAC2 > GlcAC3 тартибида камайиб боришини кўрсатди.




**3-расм. Кичик молекуляр массали гиалурон кислотани  $SO_3/Py$  билан сульфатлашда реакция давомийлиги (а) ва сульфатловчи реагент миқдори (б) ортиши билан олинган маҳсулотнинг АД қиймати ва сульфатланиш тезлигидаги ўзгаришлар ((а)  $SO_3/Py$  1,0 моль/моль ГМБ, ҳарорат  $80^\circ C$ ; (б) ҳарорат  $80^\circ C$ , вақт 4 соат)**

Кичик молекуляр массали галактоманнанларни бевосита тозиллаш орқали таркибида тозил гуруҳи тутган ҳосилаларни олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали галактоманнан намунасини (ПД=19,  $M_w=9,1$  кДа, Man/Gal=1,79) TsCl иштирокидаги тозиллаш (TsCl 1,0-9,0 моль/моль ГМБ, вақт 1-32 соат, ҳарорат  $5-20^\circ C$ ) реакцияси орқали турли молекуляр катталиқдаги тозилланган галактоманнан ( $M_w=6,5-11,0$  кДа, ПД=13-19, АД=0,07-1,03, унум 12,1-78,5%) ҳосилалари олинган. Саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги тозилланган галактоманнан намуналари олишнинг мақбул шароитлари (TsCl 1,0 моль/моль ГМБ, вақт 24 соат, ҳарорат  $5^\circ C$ ) аниқланди. Спектроскопик таҳлил натижалари тозиллаш реакциялари орқали олинган намуналар структура жиҳатдан галактоманнан тозил ҳосилаларига мос келиши ва бунда тозил гуруҳлари асосан полисахарид занжиридаги ManC2/ManC3 углерод атомлари билан боғланишини кўрсатди.

Кичик молекуляр массали галактоманнанлардан перйодат оксидлаш реакциялари орқали галактоманнан диальдегид ҳосилаларини олиниш имкониятлари, олинган маҳсулотларнинг молекуляр катталиқларига реакция шароитларининг таъсири ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали галактоманнан намунасини (ПД=19,  $M_w=9,1$  кДа, Man/Gal=1,79) натрий перйодат иштирокида оксидлаш ( $NaJO_4$  0,1-1,0 моль/моль ГМБ, вақт 1-24 соат, ҳарорат  $40^\circ C$ ) орқали молекуляр катталиқлари турлича бўлган галактоманнан диальдегид ( $M_w=6,9-91,0$  кДа, ПД=14-19, альдегид миқдори 1,02-11,27 моль%, унум 55,73-98,32%) ҳосилалари олинган. Саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиқдаги галактоманнан диальдегид ҳосилалари олишнинг мақбул шароитлари ( $NaJO_4$  0,3 моль/моль ГМБ, реакция давомийлиги 24 соат, ҳарорат  $40^\circ C$ ) аниқланди (4(а,б)-расм). Спектроскопик таҳлил натижалари асосида перйодат оксидлаш реакциялари орқали олинган маҳсулотлар структура

жиҳатдан галактоманнан диальдегид ҳосилаларига мос келиши ва бунда оксидланиш жараёни асосан галактоманнан занжиридаги ManC2 ва ManC3 углерод атомларида содир бўлиши аниқланди.




**4-расм.** Кичик молекуляр массали галактоманнанни периодат оксидланиш реакцияси давомида (а) ва оксидловчи реагент миқдори таъсирида (б) олинган маҳсулот таркибидаги альдегид гуруҳлари миқдори ва ПД қийматидаги ўзгаришлар ((а) NaJO<sub>4</sub> 1,0 моль/моль ГМБ, ҳарорат 40°C; (б) вақт 24 соат, ҳарорат 40°C)

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида кичик молекуляр массали полисахарид матрицаларини цитотоксик бирикмалар билан турли кимёвий боғлар орқали конъюгациялаш усуллари, модификациялаш шароитлари ўрганилди, мақбул молекуляр катталиқдаги макромолекуляр тизимлар олинган, уларнинг структуралари таҳлил қилинди ҳамда полисахарид ҳосилаларининг молекуляр катталиқлари ва саратонга қарши биологик фаолликлари орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш учун зарур бўлган намуналар синтез қилинди.

Полигалактуронанлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали полигалактуронан матрицасини (ПД=71,  $M_w$ =14,1 кДа, ПДИ=1,21, GalA/Gal=6,63) турли шароитларда (EDC 0,01-0,18 моль/моль ПГКБ, NHS 0,01-0,35 моль/моль ПГКБ, DOX 0,025-0,15 моль/моль ПГКБ, 4-72 соат, 25°C) доксорубицин билан модификациялаш (5(а)-расм) натижасида молекуляр катталиқлари турлича (DOX=0,21-9,46%, ПД=54-71, унум 78,26-99,23%) бўлган, таркибида доксорубицин тутган макромолекуляр тизимлар олинган ва реакцияларнинг мақбул шароитлари (EDC 0,12 05 моль/моль ПГКБ, NHS 0,2 моль/моль ПГКБ, DOX 0,05 моль/моль ПГКБ, 48 соат, 25°C) аниқланган.


Шунингдек, олинган полигалактуронан-доксорубицин ҳосиласини (ПД=57, DOX=8,50%,  $M_w$ =12,3 кДа) турли шароитларда (EDC 0,1-1,4 моль/моль ФКБ, DMAP 0,1-2,5 моль/моль ФКБ, FA 0,01-0,20 моль/моль ГКБ, 4-72 соат, 25°C) фолат кислота билан модификациялаш (5(б)-расм) орқали таркибида доксорубицин ва фолат кислота тутган (DOX=7,96-8,50%, FA=0,025-6,86, ПД=45-57, унум 69,94-96,37%) макромолекуляр тизимлар

олинган ҳамда мақбул реакция шароитлари (EDC 1,0 моль/моль ФКБ, DMAP 2,0 моль/моль, 16 соат, 25°C) аниқланди. Спектроскопик таҳлил натижалари олинган ҳосилалар таркибида доксорубицин ва фолат кислота тутишини кўрсатди ва модификацияланган ҳосилалар таркибида доксорубицин полигалактуронан занжирининг GalA қолдиғи карбоксил гуруҳлари билан амид боғлари (-CO-NH-) орқали боғланишини кўрсатди.




**5-расм. Полигалактурон кислотани карбоксил гуруҳлари орқали доксорубицин билан (а) ва гидроксил гуруҳлари орқали фолат кислота билан (б) конъюгацияланиш реакцияси**

Гиалуронанлар асосида саратонга қарши макромолекуляр тизимлар олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали гиалуронан матричасини (ПД=48,  $M_w=19,3$  кДа, ПДИ=2,46, GlcA/GlcNAc=1,05) турли шароитларда (EDC 0,01-0,18 моль/моль ГКБ, NHS 0,01-0,35 моль/моль ГКБ, DOX 0,05-0,20 моль/моль ГКБ, 4-72 соат, 25°C) доксорубицин билан модификациялаш натижасида молекуляр катталиклари турлича (DOX=0,25-8,73%, ПД=43-48, унум 86,22-99,85%) бўлган, таркибида доксорубицин тутган макромолекуляр тизимлар олинган ва модификациялаш реакцияларининг мақбул шароитлари (EDC 0,12 моль/моль ГКБ, NHS 0,20 моль/моль ГКБ, DOX 0,10 моль/моль ГКБ, 48 соат, 25°C) аниқланди. Шунингдек, тадқиқотларда гиалуронан сульфат ҳосилаларини (ПД=46-48,  $M_w=20,6-29,5$  кДа, АД=0,36-2,36) аниқланган мақбул шароитларда доксорубицин билан модификациялаш орқали таркибида доксорубицин ва сульфат гуруҳлари тутган (DOX=8,05-8,11%, ПД=44, АД=0,31-2,28, унум 95,78-95,85%) макромолекуляр тизимлар олинган. Спектроскопик таҳлил натижалари олинган ҳосилалар таркибида доксорубицин тутишини (6(а,б)-расм) ва модификацияланган ҳосилалар таркибида доксорубицин гиалуронан занжирининг GlcA қолдиғи карбоксил гуруҳлари билан амид боғлари (-CO-NH-) орқали боғланишини кўрсатди.



**6-расм. Гиалуронанлар ва сульфатланган гиалуронанларни доксорубицин билан модификацияланган ҳосилаларининг УБ-спектрлари.** Расмда (а) НА-А-13 ( $M_w=19,3$  кДа, ПД=48), DOX, НАА-DOX31 ( $M_w=19,2$  кДа, ПД=44, DOX=8,10%); (б) НАА-S15 ( $M_w=29,5$  кДа, ПД=46, АД(сульфат)=2,36), DOX, НАС-DOX15 ( $M_w=29,9$  кДа, ПД=44, АД(сульфат)=2,28, DOX=8,11%) намуналарининг спектри келтирилган


